

МАМЛАКАТИМИЗДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Чориев Бахром Тўраевич

Сурхондарё вилояти юридик техникуми “Жиноий- ҳуқуқий фанлар кафедраси”

ўқитувчиси

oxunjonturayevich@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада электрон тиждоратни ривожлантириши, самарадорлигини ошириши, замонавий бозор шароитида бизнес компаниялар рақобатдошлигини ошириши, электрон тиждорат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиши ҳамда маъмурий регламентини ишлаб чиқиши услубининг ўзига хос жиҳатлари баён қилинган. Бундан ташқари, дунё давлатларида электрон тиждоратни амалга оширишининг бир қанча турлари-андозалари келтириб ўтилган;

Калит сўзлар: электрон тиждорат, электрон тиждорат иштирокчилари, электрон тиждоратни солиққа тортиши, электрон маркетинг, электрон тўлов тизими.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены специфические аспекты развития электронной коммерции, повышения ее эффективности, повышения конкурентоспособности коммерческих компаний в современных рыночных условиях, правовой защиты прав и свобод участников электронной коммерции, разработки административных регламентов. Кроме того, упоминаются несколько типов-моделей реализации электронной коммерции в странах мира;

Ключевые слова: электронная коммерция, участники электронной торговли, налогообложение электронной торговли, электронный маркетинг, система электронных платежей.

КИРИШ

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ўзининг юқори даражали интеллектуал имкониятлари билан алоҳида ажралиб туради. Бунга аҳолининг демографик кўрсаткичлари, ўсиш суръати, табиий ва иқтисодий имконият ресурсларнинг мавжудлиги, қолаверса, буюк сиймо-даҳоларни тарбиялаганлиги билан диққатга сазовордир. Шундай имкониятлар мавжуд бўла туриб, 21 асда ахборот технологиялари мамлакатимиз тамаддунининг бир четида қолиб кетиши аянчли ҳолатдир.

Бу ривожланиш жамиятимиз учун қандай натижалар беради?

биринчидан, электрон тижоратнинг ривожланиши Ўзбекистон меҳнат бозорига ижобий таъсир кўрсатади. Юқори ахборот технологияларини саноатлаштириш минглаб янги иш ўринларини яратади. Бунинг натижасида ҳозирги кундаги асосий муаммолардан бири бўлган ишсизлик ва миграция масласини ижобий ҳал этишга катта ёрдам беради (биргина Россия Федерациясида 5 млн, Қозоғистонда 10 мингдан кўпроқ¹ мигрантлар бор).

иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлашиши, товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги кучайиши, экспорт имкониятларимизнинг ошишига олиб келади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда ҳам тадбиркорларимиз томонидан товарларни экспорт қилишда катта тўсиқлар мавжуд. Бу ўз навбатида давлат ичида яқка монополиянинг вужудга келтирмоқда. Бу эса товарнинг сифати ва рақобатбардошлигини кескин камайтирмоқда. Харидорларда танлаш имкониятидан маҳрум этмоқда. Бу тўсиқларнинг олиб ташланиши, аҳоли турмуш даражасини яхшилайти ва сифатли товарлар ишлаб чиқаришни таъминлайди.

учунчидан, электрон тижорат аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишини, маркетинг, менежмент каби соҳаларнинг ривожланишини таъминлайди. Натижада аҳоли турмуш даражаси яхшиланади, сифатли ва экологик тоза маҳсулотга бўлган талаби қондирилади.

тўртинчидан, мазкур тизимнинг ривожланиши нафақат ишлаб чиқариш тизими корхоналарининг юсалишига олиб келади, бундан ташқари хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ҳам катта замин яратади. Масалан, биргина туризм соҳасида катта ишларни амалга оширишимиз мумкин. Интернет орқали тарихий обидалар ҳақидаги маълумотлар, географик жойлашув сайёҳларни ўзига жалб этади. Бунинг натижасида электрон тўловни амалга ошириш, онлайн харид қилиш, бюртмалар бериш, хона ва жойларни брон қилиш мумкин бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда дунё давлатларида электрон тижоратни амалга оширишинг бир қанча турлари-андозалари мавжуд:

- **B2B** – *Business to Business* (корхона корхона учун);
- **B2C** – *Business to Consumer* (корхона миқоз учун);
- **G2B** – *Government to Business* (давлат корхона учун);

¹ Муаллиф томонидан умумлаштирилган.

- **B2E** – *Business to Employee* (корхона ходим учун);
- **C2B** – *Consumer to Business* (мижоз корхона учун);
- **C2C** – *Consumer to Consumer* (мижоз мижоз учун);
- **B2G** – *Business to Government* (корхона давлат учун);
- **G2P** – *Government to Partner* (давлат ҳамкор учун);
- **P2G** – *Partner to Government* (ҳамкор давлат учун) ва бошқалар²

Ҳозирга келиб деярли барча малакатлар В2В ва В2С андозаси бўйича фаолият юритадилар. Қолганлари маълум бир доирадагина ташкил этидлиши мумкин.

Бу соҳани ривожлантиришда давлатимиз олдида электрон тижоратни бошқаришда бир нечта масалаларга алоҳида ёндашиб, уни ҳал қилиши керак бўлади. Булар:

- ✓ *Электрон тижоратни қонуний асосини тўлиқ такомиллаштириш;*
- ✓ *Электрон тижоратни амалга оширишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш;*
- ✓ *Электрон иқтисодий фаолиятда солиқ масалаларини конкретлаштириш;*
- ✓ *Электрон тижоратни замон талаблари доирасида етарли инфраструктура билан таъминлаш;*
- ✓ *Электрон иштирокчилари учун юқори даражада таъминланган хавфсизлик;*
- ✓ *Электрон тижоратни амалга оширишда замон талабларига жавоб берадиган логистика масалалари;*
- ✓ *Электрон тижоратнинг аниқ стандартларини ишлаб чиқиш;*
- ✓ *Электрон тўлов системаларини янада такомиллаштириш;*
- ✓ *Электрон тижоратни ривожлантириш учун уни мунтазам равишда молиялаштириш.*

Юқоридаги масалаларни ҳал қилиш давлатнинг таъсир доирасига киради ва давлатнинг тартибга солиши керак бўлган соҳа ҳисобланади. Бундан ташқари, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар электрон тижоратнинг барча қирраларини қоплай олмаган.

² J.T.Usmonov (TATU, катта илмий изланувчи ходим). “Elektron hukumatda elektron biznesning roli”. Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти - Иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион ривожланишида ахборот–коммуникация технологияларининг аҳамияти. Республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами. 1-қисм.:Тошкент. 2017 йил 7 апрел. 51-52 бет.

Бундан ташқари, электрон тижоратнинг ахборот хавфсизлиги ҳамда унинг иштирокчиларига тегишли шахсий маълумотларни муҳофаза қилишнинг таъминланиши масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу мамлакатимизда кичик бизнес вакилларининг ички ва ташқи бозорда янада кучли рақобатдош бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилади ҳамда унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон, 2017. –94 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Электрон тижоратни тез ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги Қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами базаси". 2018 йил 21 июнь, 12-сон, 234-модда;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". 4947-сон Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами базаси". 2017 йил, 8-сон, 26-модда;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги №611-2 сонли "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 20-сон, 230-модда;
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сонли "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида"ги Қарори. . "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами". 2018 йил, 32-сон, 324-модда;
6. Қурбонов. М. "Электрон тижоратнинг ҳаётимиздаги ўрни" Мақола. Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти - Иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион ривожланишида ахборот–коммуникация технологияларининг аҳамияти. Республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами. 1-қисм.:Тошкент. 2017 йил. 56-57 бет.

-
7. Hannibal Travis. The Principle of the Law of Software Contracts: At Odds with Copyright, Consumers and European Law. :Florida. 2010/mar.
 8. Балабанов И.Т. Электронная коммерция / ИХ Балабанов, — СПб.: Питер, 2018.76-77с.
 9. Абдуллаев З.С. (*преподаватель, НамДУ*), Бекназарова С.С. (*д.т.н., старший преподаватель ТУИТ*): “Методы анализа рисков в электронной коммерции”. 1-қисм.: Тошкент.-2017. 89-90 с.
 10. <http://www.lex.uz>;
 11. <https://www.dissercat.com>;
 12. <https://www.google.com>